

ЎМРОВ ОСТИ ВЕНАСИНИ КАТЕТЕРЛАШНИ ДОЛЗАРБ

МАСАЛАЛАРИ

О.Ш.Эшонов,

Бухоро Дават Тиббиёт институти

Кейинги вақтларда кам инвазив диагностика ва даволаш технологияларини тиббиёт амалиётига кириб келиши ва бу соҳага талабнинг ошиб бориши, инвазив усулларни қўллаш техникаси натижасида келиб чиқадиган турли хил асоратларнинг кўпайганлиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Жумладан ўмров ости венаси катетеризацияси юқори самарали интенсив терапия усули бўлиб, турли хавф ва асоратлар кузатилиши билан боғлиқ бўлишига қарамасдан ва ҳозирда интенсив терапия фаолиятида кенг қўлланилаётган бўлсада, охирги вақтда бу усулни қўллашни чеклаш зарурати пайдо бўлмоқда Бунинг асосий сабаби ўмров ости венасини катетерлаш техникаси ва катетердан фойдаланиш жараёни билан боғлиқ асоратларнинг кўпайиб бораётганлиги бўлиб, бугунги кундаги долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Охирги вақтларда ўмров ости катетеризацияси билан боғлиқ “кичик” ва “катта” асоратлар деган тушунчалар пайдо бўлди. Амалиётда бемор ҳаёти учун хавфли асоратлардан ўпка ва плевра жароҳати, таранглашган пневмоторакс, тромб ва ҳаво эмболияси, ўмров ости венаси тромбофлебити ва инфекцион асоратлар (5-40% гача) пункцион ярани йиринглаши, сепсис ҳолати кузатилиб турибди. Маълумки, ўмров ости венасини катетерлаш учун жуда кўп кўрсатмалар мавжуд бўлиб, энг асосийси периферик веналарнинг ривожланмаганлиги, ҳамда катта миқдорда инфузион-трансфузион терапия ўтказиш ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, асоратлар биринчидан ўмров ости венаси катетерлашга бўлган кўрсатмалар қўламининг ассосиз кўпайиб бориши, иккинчидан муолажа етарли тажрибага эга бўлмаган ёш мутахассислар томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ.

Бугунги кунда трансфузион терапиянинг чекланганлиги ўз-ўзидан марказий веналарни катетерлаш заруратини камайтиради. Шундан келиб чиқиб, ўмров ости венасини катетерлашга бўлган кўрсатмаларни қайта кўриб чиқиш ва фақатгина ҳаётий зарурат бўлганда бу усулни қўллаш керак деб ҳисоблаймиз. Бу ўз навбатида ўмров ости венасини катетерлаш билан боғлиқ бемор учун хавфли бўлган асоратларни олдини олган бўлар эди.